ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН** УЧУН!

7-noyabr
2024-yil 45 (1 095)

O‘ZLIDEP

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 ноябрь куни Дональд Трампга Америка Қўшма Штатлари Президенти сайловида ғалаба қозониб, ушбу лавозимга сайлангани муносабати билан табрик йўллади.

ЭНГ КАТТА ВИЛОЯТДА ҚИЗҒИН ФАОЛИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУАЙЯН ВАҚТЛАРДА БЕВОСИТА ҲУДУДЛАРГА ТАШРИФ БУЮРИШИ ЭЗГУ АНЪАНАГА АЙЛАНДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА ҚИЛМАЙМИЗ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ МАВЖУД МУАММОЛАР ЕЧИМИ ВА КЕЛГУСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА МУТАСАДДИЛАР БИЛАН ЎША ЖОЙНИНГ ЎЗИДА ЖИДДИЙ МУҲОКАМАЛАР ЎТКАЗАЯПТИ. ЖОРИЙ ЙИЛ 31 ОКТЯБРЬ ВА 1 НОЯБРЬ КУНЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРЛАР ҚАМРОВИ КЕНГЛИГИ ҲАМ СЎЗИМИЗ ИСБОТИ БЎЛИШИ МУМКИН.



2

ХАЛҚИМИЗ ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМИЙЛИГИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ



“Бизнинг мақсадимиз – мамлакатимизда 2017 йилда бошланган, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, инсон қадрини улуғлаш билан боғлиқ кенг кўламли ислоҳотларнинг бардавом бўлишини таъминлашдир. Чунки биз Янги Ўзбекистоннинг келажаги, халқимизнинг, ҳар бир инсоннинг фаровонлиги айнан шу ислоҳотлар тақдирига боғлиқ деб ҳисоблаймиз ва уларнинг изчиллигини таъминлашни олдимиздаги асосий мақсад деб биламиз!”.

3



ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2024



4



5

ТУНГИ БЎЛСА-ДА... ЛУНГИ БЎЛСИН!

Ҳозирги кунда деярли барча катта-кичик шаҳарлар, вилоят марказларида ўнлаб тунги клублар гуриллаб ишлаб ётибди. Негадир сўнгги пайтларда “тунги клублар фаолиятини назорат қилиш бўйича ўтказилган рейдлар” ҳақида расмий сайтлар, ТВларда шов-шувли хабарларга кўзимиз тушмаяпти.



6

Ўғлимон БИЛАН УЧРАШГАН БОБОМ

Бир куни кутубхонага борсам, пештахта олдида турган салобатли, ўқимишлилиги билиниб турган кўзойнакли кишига эътибор қилдим. Одоб билан салом бердим. Алик олди-да: “Йигитча, қаердансиз?” деб сўради.

ЭНГ КАТТА ВИЛОЯТДА ҚИЗҒИН ФАОЛИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУАЙЯН ВАҚТЛАРДА БЕВОСИТА ҲУДУДЛАРГА ТАШРИФ БУЮРИШИ ЭЗГУ АНЪАНАГА АЙЛАНДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА ҚИЛМАЙМИЗ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ МАВЖУД МУАММОЛАР ЕЧИМИ ВА КЕЛГУСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА МУТАСАДДИЛАР БИЛАН ЎША ЖОЙНИНГ ЎЗИДА ЖИДДИЙ МУҲОКАМАЛАР ЎТКАЗАЯПТИ. ЖОРИЙ ЙИЛ 31 ОКТЯБРЬ ВА 1 НОЯБРЬ КУНЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРЛАР ҚАМРОВИ КЕНГЛИГИ ҲАМ СЎЗИМИЗ ИСБОТИ БЎЛИШИ МУМКИН.

Мамлакатимизнинг маъмурий бўлинишига кўра, 12 та вилоятнинг ҳар бири ўзига хос. Аҳолисининг зичлиги, имконият ва салоҳияти ҳам турлича. Масалан, Навоий эгаллаган ҳудудига асосан юртимизда энг катта вилоят саналади. Бошқалардан фарқли жиҳатлари ер майдонининг улканлиги билангина чекланмайди. Бунда табиий бойликлар – ер ости захиралари бисёр. Нариги томонини кўз илғамайдиган бийдай чўллару бархан қумлар тагида қаттиқ валютага экспорт қилинадиган харидори тайин маҳсулотлар талай.

Улардан оқилона фойдаланиш эса етук мутахассисларни етиштиришга ҳар томонлама боғлиқ. Олий ўқув юртларини битираётганлар шунчаки дипломли ходим эмас, айни пайтда замон талабига жавоб берадиган кадр сифатида шаклланиши учун, аввало, мактабда мустаҳкам кўникмага эга бўлиши зарур. Ўз навбатида, мактабларда глобаллашган даврнинг ўғил-қизларини қизиқтира оладиган даражада шароит яратилиши даркор.

Улуғ мутафаккир ва назм мулки султонининг қутлуғ номи билан аталувчи бу ҳудуд ривожланган индустрияси билан мамлакатимиз иқтисодиётида катта ўрин тутади. Инвестиция жалб қилишдаги замонавий ёндашувлар туфайли бунёдкорлик тобора жадаллик касб этмоқда. Ана шу жараёнда O‘zLiDeP электоратининг салмоқли қисмини ташкил этувчи тадбиркорлар ҳам фаол иштирок этаётгани янада қувонарлидир.

Яхши мактаб – уйга яқин мактаб!

Навоий шаҳрида янги ташкил этилган маҳаллалардан бирига ислоҳотлар муддаосига мос равишда Фаровон дея ном берилган. Бу ердаги 50 дан ортиқ кўп қаватли уйда 15 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди.

Маҳалладаги энг гўзал иморатлардан бири 22-умумтаълим мактабидир. Пештоқига “Ассалому алайкум” каломи катта қилиб ўзига хос дизайнда битилган мазкур муҳташам бинони ишбилармон инсон ўз маблағи ҳисобидан қурган.

Давлатимиз раҳбари саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш объектлари қаторида шу мактабни ҳам бориб кўрди. Бир минг саккиз юз нафарга яқин ўқувчи таълим-тарбия олаётган муассаса ўтган йили фойдаланишга топширилган эди.

Жайдари таъриф билан айтганда, бу масканда ҳамма нарса муҳайё. Йўқ шароитнинг ўзи йўқ. Мактабнинг наинки ўқувчилари, балки муаллимлари ҳам аълочи дея ҳазиллашишар экан ота-оналар. Сабаби, муассасага 104 нафар ўқитувчи билими ва педагогик маҳорати бўйича саралаб ишга қабул қилинган. Дарслар ҳам илғор мактаблар дастури асосида олиб борилмоқда.

Ёшларга камида иккита чет тили ва битта замонавий ҳунар ўргатиш жараёни изчил амалга оширилмоқда. Бунинг учун мактабда амалий санъат, меҳмонхона хизмати, рассомчилик, сураткашлик, IT йўналиши, робототехника каби касб-ҳунарлар бўйича ўндан ортиқ тўгараклар ташкил этилган.

Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда “Ватан таянчи” ҳарбий ватанпарварлик гуруҳи ташкил этилган. Унда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардалар жасорати ҳақида мулоқотлар бўлади. Ватанпарварлик тадбирлари, спорт мусобақалари тез-тез ўтказилади.

Мактабнинг “Иқтидор” клубида ижодкор ўқувчилар мусиқа, театр ва санъат йўналишида турли машғулотларда иштирок этади. Журналистлар болаларга микрофон тутганида улар ҳақиқатан иқтидорли эканини яққол намоён этди.

– Илмли бўлиш, касб-ҳунар эгаллаш яхши. Қалбингизда ватанпарварлик кучли бўлса, шижоатингиз янада баланд бўлади, – деди Президент. – Менинг энг катта ташвишим, мақсадим – ёшлар тарбияси. Биз олган марралар учун билимли авлод керак. Бунинг учун ҳамма шароитларни яратишга ҳаракат қиляпмиз. Сизлар эса вақтнинг қадрига етиб, бор имкониятни ишга солиб, ўқишингиз керак. Олган билимингиз, ўрганган касб-ҳунарингиз келажакда сизларга қанот бўлади.

Таълим даргоҳида “хавфсиз мактаб” тизими жорий этилиб, кириш-чиқишда “Face ID” дастури қўйилган. Шунингдек, қуёш панеллари ўрнатилган.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари замонавий мактаб қуриш ташаббуси билан чиққан ўша тадбиркорни ҳам суҳбатга тортишди. Лекин унинг камтарликдан нарига ўтмагани одамни хурсанд қилди. Биз ёшлигимизда кўрмаганни фарзандларимиз кўрсин, биз билмаганни болалар билсин, деди холос.

Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам яхши мактаблар кўп. Бугун уларда миллионлаб ўғил-қизлар ўқимоқда. Лекин назаримизда, энг яхши мактаб – бу уйга яқин мактаб. Боланинг мустақил бориб келишига қулай муассаса. Муаллимлари зукко ва жонкуяр бўлган даргоҳ.

Фаровон маҳалласидаги ёшларнинг бахти шундаки, уларнинг мактаби уйининг ёнидан эканидан ташқари вилоятдаги энг яхшисидир. Ҳам замонавий, ҳам кўркам. Ҳам бу ерга Президент келди. Ҳар бир ўғил-қиз билан сўрашди. Режалари билан қизиқди. Ота-онангга мендан салом айт, деб суратга тушди давлат раҳбари.

Ёшларни билим боғига росмана бошлаш, илм кўчасига йўналтириш учун бундан-да кучли мотивация бўлиши мумкинми?

Шавкат Мирзиёев шу мактабдан кейин Навбаҳор туманидаги политехникумга ҳам борди.

Бугунги кунда Навоий вилоятидаги 25 та профессионал таълим муассасасида 12 минг фуқаро ўқимоқда. Уларга малакали педагоглар, 234 нафар ишлаб чиқариш усталари бириктирилган. 2-сон политехникумда 41 та ўқув ва лаборатория хонаси, 350 ўринли фаоллар ва спорт заллари, 100 ўринли ётоқхона ва ошхона мавжуд. Мактаб битирувчилари ва турли ёшдаги фуқаролар учун кундузги, сиртқи, кечки ва дуал таълим йўлга қўйилган.

Касбларни амалиёт билан боғлашда вилоятдаги йирик саноат корхоналари катта ўрин тутмоқда. Масалан, Навоий кон-металлургия комбинати ўзи учун зарур пайвандловчи ва чилангар, “Навоийазот” акциядорлик жамияти кимёвий технология лаборанти, Навоий иссиқлик электр станцияси электр монтажчи касбларига ёшларни мақсадли тайёрлайди. Бунинг учун саноат корхоналари техникумда ўз бўлимларини очган. Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида ҳам касб ўрганади ва ҳам бажарган ишига яраша маош олади.

Маҳаллалар билан биргаликда ишсиз фуқаролар, малакаси етарли бўлмаганлар, ишлаш истагидаги аёллар ҳам ўқишга жалб этилмоқда. Касбларни яхши эгаллаганлар шу корхоналарга ишга олинади. Президентимиз бу ерда ўқиётган хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

– Сизларда ишонч ва интилиш пайдо бўлганидан хурсандман. Касбни маҳкам тутиб, ҳаётда ўз ўрнингизни топинг. Меҳнатингиздан бахт топишингиз учун сизларни қўллаб-қувватлаймиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Кармана: кимёвий маҳсулотлар технопарки

Шарҳимиз аввалида таъкидланганидек, ҳудудда минерал ресурслар кўп. Тармоқ инфратузилмаси ҳам ёмон эмас. Истиқболли корхоналар ташкил этиш учун эса мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити ва тадбиркорларга шароит бор. Хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда Кармана туманида “Zarafshon industrial technology” номи остида кимё технопарки барпо этилаётгани айни интилиш натижасидир.

Мажмуага оид статистик кўрсаткичларнинг ўзи мазкур технопарк хусусида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради: эгаллаган ер майдони 130 гектар. Умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ бўлган 18 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Ҳозиргача уларнинг иккитаси – 40 минг тонна олеум, 170 минг тонна сульфат кислотаси олиш лойиҳалари ишга туширилди.

Бу ерда чиқиндисиз ишлаш ёки чиқиндидан даромад олиш тамойили устуворлиги эътиборни тортади. Масалан, сульфат кислотаси ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқликдан унумли фойдаланиш мақсадида 1,4 мегаватт қувватга эга буғ-газ қурилмали энергоблок қурилган. Яъни, корхона ўзини ўзи тўлиқ электр энергияси билан таъминлайди. Бошқаларга ўхшаб “свет”га маблағ сарфламайди. Тежалган пулни эса инновацияларга йўналтиради.

Айни пайтда корхона томонидан 330 минг тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш ҳамда технологик жараёнда ҳосил бўладиган иссиқликдан 15 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмали энергоблок қуриб битказилган.

Мутасаддилар давлатимиз раҳбарига технопаркда қиймати 150 миллион долларлик 1 миллион тонна сульфат кислотаси, 120 миллион долларлик 50 минг тонна каустик сода ҳамда 135 миллион долларлик 100 минг тонна фталоцианин (тўқимачилик бўёғи) ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши бошлангани ҳақида маълумот беришди.

Хўш, бу маҳсулотлар шунчалик муҳимми, деган савол туғилиши табиий. Қуйидаги рақамлар шу саволга аниқ жавоб бўлади, назаримда: технопаркда бошқа тармоқлар билан кооперация алоқалари йўлга қўйилиши туфайли қурилиш саноатида 75 миллион, енгил саноатда 107 миллион, тиббиётда 38 миллион долларлик четдан келадиган маҳсулотлар ўрни қопланади. Мана, самараси қаерда? Шунинг учун ҳам бундай лойиҳаларга Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ўзи бош-қош бўляпти. Мутахассисларга корхоналарда ишлаб чиқариш балансини таъминлаш, “off take” шартномалар қилиб, маҳсулотларни кафолатли сотиш юзасидан жойида аниқ топшириқлар бераяпти.

Эҳтиёж жуда юқори бўлган қимматбаҳо маҳсулотлар тайёрланиши технопаркнинг биринчи нафи бўлса, ҳозирнинг ўзида 300 кишининг бандлиги таъминлангани иккинчи самарасидир. Барча лойиҳалар амалга ошгач, 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилади, антрахинон, каустик сода, мис хлориди, диметилсульфат, натрий сульфид, резорцин каби маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилади. Технопаркнинг йиллик экспорт салоҳиятини 2026 йилда 30 миллион долларга етказиш ва изчил ошириб бориш режалаштирилган.

Юртбошимиз 2024-2030 йилларда “Навоийазот” акциядорлик жамияти негизида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти билан батафсил танишишга вақт топди. Зотан, бу ерда кўзда тутилаётган 5 миллиард долларлик 22 та лойиҳа амалга оширилиши билан яна 3 мингдан зиёд кишига доимий даромад манбаи яратилади. Йилига 2 миллиард доллардан ошиқ кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, асосий қисми экспортга йўналтирилади.

Завод қуриш, одамларга яхши маош тўлайдиган корхоналарни кўпайтириш диққатга сазовор, албатта. Лекин улар табиатга зарар етказмаслиги, мусаффо ҳавони бузмаслиги даркор. Шунинг учун ҳам Президентимиз лойиҳаларда экология талабларига алоҳида эътибор қаратиш, заводларни углерод оксидини ҳавога кам чиқарадиган ускуналар билан жиҳозлаш бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

“Universal filter” бренди ҳақида эшитганмисиз?

Шавкат Мирзиёев Навоий шаҳридаги саноат зонасида “Universal filter” бренди остидаги маҳаллий маҳсулотларни кўздан кечирди. Бу ерда транспортлар учун ҳаво ва мой фильтрлари, металлургия, нефть-газ ва кимё саноати корхоналари учун буюмлар – жами 600 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўз фаолиятини 2007 йилда қурилиш материаллари тармоғидан бошлаган тадбиркор 2020-2023 йилларда 20 миллион долларлик лойиҳаларни амалга оширган. Бугунги кунда уч гектар майдонда 6 та йўналиш йўлга қўйилган. Корхоналарга Россия, Хитой, Словакия каби давлатлардан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилган.

Тадбиркорнинг айланма маблағи бундан етти-саккиз йил олдин атиги 1 миллиард сўм эди. Эндиликда жорий йил якунига қадар 200 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 250 кишининг доимий бандлиги таъминланган эса ижтимоий муҳим жиҳат.

Мамлакатимизда атмосфера ҳавосига таъсири бўлган 3 мингдан зиёд саноат корхонаси мавжуд. Улардаги чанг-газ тозалаш ускуналарининг кўпи эскирган. Илгари бу йўналиш фақат чет элга боғланиб қолгани учун фильтрларни янгилаш йиллаб чўзилган. Энди бу соҳада ҳам импортга рақобатдош ўз маҳсулотларимиз ва хизмат кўрсатиш пайдо бўлмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида юздан ортиқ корхонанинг чанг-газ тозалаш ускуналари янгиланди.

Бундай ишларда мазкур корхонанинг ҳам ўрни бор. Ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Маҳсулотлар маҳаллийлаштирилиши натижасида сифатни йўқотмаган ҳолда таннархни туширишга эришилмоқда. Корхона маҳсулотлари Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Озарбайжонга ҳам жўнатилмоқда. Жорий йил якуни бўйича экспорт ҳажми 1 миллион долларга етиши кутилмоқда. Келгусида бу географияни ва миқдорни ошириш мақсад қилинган.

“Янги Навоий” шаҳарчаси қурилиши ёхуд нуронийлар даврасида

Шавкат Мирзиёев қачон қаерга бормасин, ёши улуғ инсонлар, тажрибали мутахассислар ва зиёлилар билан суҳбатлашишга албатта вақт ажратади. Бундай мулоқотларда фаровонликка элтувчи ислоҳотларнинг маънавий жиҳатлари, тинимсиз ўзгаришлар моҳиятини ёш авлодга таъсирчан тарзда етказиш, вояга етаётган ўғил-қизларга ҳаёт ҳақиқатларини англатишнинг самарали усулларини топиш бош мавзуга айланади.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Давлатимиз раҳбари “Янги Навоий” шаҳарчаси қурилиш майдонида бўлган чоғида нуронийлар билан самимий суҳбатлашди.

– Бугун бу ерга Навоий вилоятидаги 8 та туман, 3 та шаҳарнинг эртанги куни қандай бўлади, деган саволга жавоб топиш учун келдик, – деди Президент. – Аслида, битта рўзғорни тебратишнинг ўзи бўлмайди. Худога шукур, аҳолимиз 38 миллионга яқинлашяпти. Бунинг учун халқимизга муносиб мустаҳкам замин яратиб боришимиз керак. Бундай янги шаҳарчаларни нима учун қураяпмиз? Ёшларимиз ўсиб келяпти. Улар ўзи туғилиб ўсган жойида ишлаб, яхши яшаши учун ҳамма ҳудудларда шароит яратамиз.

Навоий вилоятида саноат ривожланган, лекин хизмат салоҳияти тўлиқ ишга солинмаган. Шу боис шаҳарчада сайилгоҳ, кўнгилочар масканлар, савдо дўконлари, овқатланиш шохобчалари ташкил этиб, хизматлар ривожлантирилади. Шаҳарча қурилиши дирекция томонидан мувофиқлаштириб борилади. Ер майдонлари электрон аукционга қўйилиб, ғолиб қурилиш ташкилотлари билан инвестиция шартномаси тузилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, лойиҳа учун 1 минг 100 гектар ер Кармана туманидан Навоий шаҳрига ўтказилган. Биринчи босқичда 450 гектар майдонда қурилиш режалаштирилган. Шаҳарчада 7-22 қаватли уй-жойлар, 4 минг 170 ўринли умумтаълим мактаблари, 1 минг 620 ўринли боғчалар, поликлиника барпо этилади. “Янги Ўзбекистон” боғи, Навоий давлат педагогика институтининг янги кампуси ҳам шу ерда бўлади.

2025 йил вилоятда “Алишер Навоий йили” деб эълон қилинади

Икки кунлик қизғин фаолият якунида Шавкат Мирзиёев Навбаҳор туманида Навоий вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.

Партиядошларимиз учун эътиборли томони шундаки, Президент сўзининг бошида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар демократик тамойиллар асосида ўтганини таъкидлаб, унда масъулият билан қатнашган фуқароларга миннатдорлик билдирди.

Бундай эътироф Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига янада катта масъулият юклади. Чунки ушбу сайловларда O‘zLiDeP аъзолари парламент қуйи палатасида ҳам, маҳаллий кенгашларда ҳам кўпчилик ўринни эгаллади. Маслакдошларимизнинг ягона мақсад йўлида бирлашгани натижасида рақобатчи партиялардан катта устунлик билан ғалаба қозондик.

Буюк бобомиз номи билан аталадиган Навоий вилояти маънавий тарбия, маърифий юксалиш йўлида барчага ўрнак бўлиши кераклиги хусусидаги фикрлар асносида демократик сайловларнинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти алоҳида тилга олингани бежиз эмас. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 2025 йилни вилоятда “Алишер Навоий йили” деб эълон қилиш таклифи олқишлар билан кутиб олинди. Бу ташаббус доирасида республика танлови ва навоийхонлик кечалари ўтказилади, ёшларбоп китоблар чоп этилади, шоир асарлари бўйича фильмлар тайёрланади. “Янги Навоий” шаҳарчасида муҳташам ҳайкал ва музей барпо этилади.

Ҳудуд иқтисодиётининг бугунги ривожи маънавий-маърифий йўналишдаги бунёдкорлик ҳаракатига етарлича маблағ ажратиш имконини беради. Боиси, сўнгги етти йилда Навоийда 8 миллиард долларлик 6,5 мингта лойиҳа ишга туширилиб, 27 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратилган. Тадбиркорлар сони 3 карра кўпайган. Бу йил 2,2 миллиард долларлик 577 та лойиҳа бажарилиб, 10 мингта юқори даромадли иш ўрни пайдо бўлади.

Аммо бу эришилган ютуқлар билан чекланиш дегани эмас. Зеро, ҳали фойдаланилганидан кўра фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Биргина мисол: юртимиздаги 5 триллион доллардан ортиқ қийматга эга қазилма бойликларининг 20 фоизи шу заминдадир. Бу манаман деган инвесторнинг диққатини тортиб, исталган талабини қондира олади.

Шавкат Мирзиёев вилоят ҳудудидан Зарафшон дарёси ва Оқдарё ўтганининг ўзи қанчалик катта имконият эканини маҳаллий мутасаддиларга уқтирар экан, яна 256 километрлик сойлар, 2 минг километрдан зиёд каналлар борлигини ҳам эслатди. Модомики, уларда кичик гидро электр станциялар қуриш керак. Бунинг учун 10 миллион доллар ажратиладиган ва ГЭСлар “саноат ипотекаси” асосида тадбиркорларга бериладиган бўлди.

Йиғилишда бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятда 16 минг камбағал оила, 8 мингдан зиёд ишсиз фуқаро бор. Иқтисодиёт тармоқларидаги қўшимча салоҳиятдан фойдаланиб, уларни иш билан таъминлаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Бандлик ва ижтимоий ҳимоя тизимлари биргаликда бир йилда 16 минг оилани камбағалликдан чиқариш мақсади белгиланди.

Юртбошимиз ҳар бир рақамни таққослама тарзда келтиргани нафақат ҳокимларни, балки масъул вазирларни ҳам ҳушёр торттиргани рост. Жумладан, мана бу қиёсга диққат қилинг: Навоий вилоятида 9 миллион гектар яйлов бўлса-да, чорва кам. Нега?

Шу боис яйловларга дрон билан озуқа экинлари, доривор ва зиравор уруғлар сепилиб, 50 минг аҳолига бўлиб берилиши, умуман, уч йилда 3 миллион гектар яйлов яхшиланиб, чорва 10 карра кўпайтирилиши зарурлиги айтиб ўтилди.

Инфратузилма ҳақида гап кетганда, Зарафшон шаҳрида аҳоли тез ўсаётганини инобатга олиб, унинг ҳудудини Томди тумани ҳисобидан 2 минг гектарга кенгайтириш ва 150 минг аҳоли учун шароит яратиш масаласини мутахассислар зудлик билан кўриб чиқишса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ташриф кунлари Зарафшон шаҳрида ҳам аэропорт қуриларкан, ҳозир шу керакми, деган маълумотлар тарқалди. Блогерлар билиб-билмай турлича фикрлар ёзди.

Гап шундаки, Зарафшон шаҳри, Учқудуқ ва Томди туманлари вилоят марказидан жуда олисда. Автомобилда ярим кунлик йўл. Аммо жами 200 минг аҳоли яшайдиган ўша учта маъмурий бирликда имкониятлар жуда катта. Шунинг учун ҳам кўплаб хорижий инвесторлар қизиқиш билдиряпти. Уларга қулайлик яратиш учун эса Зарафшон шаҳридаги эски аэропортдан оқилона фойдаланиш айни муддаодир. Яъни, учиш-қўниш йўлагини замон талабига мослаштириш, вокзал биносини қуриш учун сарфланадиган маблағ қисқа муддатда ўзини оқлайди. Аэропорт ишга тушиши ортидан сармоядорлар сафи кенгаяди. Бу эса янги даромад манбаи, янги иш ўринлари дегани.

Фаровонлик ўз-ўзидан келмайди ахир, нима дединг из?

Озод РАЖАБОВ,
“XXI asr” шарҳловчиси



ХАЛҚИМИЗ ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМИЙЛИГИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ НИҲОЯСИГА ЕТГАНИГА ҲАМ БИР ҲАФТА БЎЛДИ. ТАБИИЙКИ, ШУ КУНЛАРДА ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ЭКСПЕРТЛАР, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, БЛОГЕРЛАР O‘ZLIDEPНИНГ МАЗКУР САЙЛОВДА ҚЎЛГА КИРИТГАН УЛКАН НАТИЖАСИ ҚАНДАЙ ОМИЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ ХУСУСИДА ТУРЛИ-ТУМАН ХУЛОСАЛАР, ФИКР, МУНОСАБАТЛАРНИ ИЛГАРИ СУРАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛЯПМИЗ.



Бахтиёр ЯКУБОВ,

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Баъзи таҳлилчилар ушбу ютуқни партиянинг сайловолди тарғиботидаги фаоллиги билан боғласа, бошқалари айрим партиялар ўз сайловолди тарғиботида йўл қўйган хатоликлар билан изоҳлаётганлигини кузатиш мумкин.

Албатта, бу бир қарашда кўзга ташланиши мумкин бўлган сабаблар ва уларда ҳам маълум маънода жон бор. Лекин масаланинг асл моҳиятига етиш учун унга анча чуқурроқ ёндашиш зарурлиги кўзга ташланади. Чунки бошқа омилларсиз, фақатгина сайловолди тарғиботининг ўзи билан O‘zLiDeP бу сайловда бу қадар эътиборга молик натижага эришиши қийин эди.

Хўш, унда яна қайси омиллар, амалий ишлар бунга хизмат қилди, асос яратди, деган савол туғилиши табиий.

Биз бугун ана шундай ҳаётий саволларга жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, ушбу сайловда иштирок этишдан авval O‘zLiDeP ўз олдига қўйган асосий мақсадга тўхталайлик. Партия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови эълон қилинганидан кейин ўтказилган Сиёсий Кенгаш мажлисидаёқ ўзининг сайловларда қатнашиши билан боғлиқ мақсадни қуйидаги мазмунда белгилади: **“Бизнинг мақсадимиз – мамлакатимизда 2017 йилда бошланган, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, инсон қадрини улуғлаш билан боғлиқ кенг кўламли ислоҳотларнинг бардавом бўлишини таъминлашдир. Чунки биз Янги Ўзбекистоннинг келажаги, халқимизнинг, ҳар бир инсоннинг фаровонлиги айнан шу ислоҳотлар тақдирига боғлиқ деб ҳисоблаймиз ва уларнинг изчиллигини таъминлашни олдимиздаги асосий мақсад деб биламиз!”.**

Кўриниб турибдики, партия сайловларда иштирок этиш билан боғлиқ режаларини аниқ ифода этган эди ва бу эзгу мақсадлар мамлакат аҳолисининг аксарият қисми орзу-истакларига мос тушганлиги билан ажралиб турарди. Бунинг исботини “Ижтимоий фикр” маркази ўтказган ўрганишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Марказ айнан сайловлар ўтаётган даврда, шу йилнинг август ойи сўнггида эълон қилган социологик сўровлари натижаларига таянган ҳолда аҳоли кайфиятини баҳоловчи қуйидаги тезисни илгари суради: *“Жамоатчилик фикрида мамлакатимиз кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишда катта ютуқларга эришганлиги тўғрисидаги қараш шаклланган. Сўров иштирокчилари кейинги вақтда аҳолининг турмуш даражаси ўсганлиги, даромадлари ошиб бораётганлиги, кўплаб хонадонлар ўз оилавий шароити яхшиланганлиги тўғрисида фикр билдирдилар. Ушбу ўзгаришларни улар иқтисодиётнинг барқарор ўсиб бораётганлиги, кичик ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш борасида самарали тадбирлар амалга оширилаётганлиги, янги иш ўринлари яратилаётганлиги билан боғлашмоқда”.*

Сўров иштирокчиларининг 74,7 фоизи ушбу ўзгаришлар туфайли ўзларининг касбий ва ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш, фаровонлиги ва эҳтиёжларини таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратилганлигини таъкидлаган бўлса, 65,3 фоизи мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқларни кейинги йилларнинг муҳим омиллари сифатида кўрсатган. Сўровномада иштирок этган 71,7 фоиз фуқаролар таълим соҳасидаги ижобий ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлса, 60,5 фоиз респондентлар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда қўлга киритилган ютуқларни ижобий баҳолаб, тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг ўсиб бораётганини таъкидлаб ўтган.

Албатта, ҳали эътибор қаратилиши лозим бўлган йўналишлар, ҳал қилиниши керак бўлган масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтар экан, “Ижтимоий фикр” мутахассислари ўз тадқиқотларини “Умуман олганда фуқаролар мамлакатда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишларни тўлиқ қўллаб қувватламоқдалар”, деган хулоса билан якунлайди.

Эътиборли жиҳати, марказ томонидан келтирилган бу рақамлар бугун жамиятнинг аксарият қисми юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётгани ва уларнинг изчил давом этишидан манфаатдор эканлигини яққол кўрсатади.

O‘zLiDeP томонидан партиянинг сайловларда иштирок этишидан кўзланган мақсад ислоҳотлар давомийлигини таъминлаш эканлиги хусусида жамиятга юборилган сигналнинг ўзиёқ бундай ўзгаришлардан манфаатдор ва ҳаётида уларни теран ҳис қилаётган ҳамда ислоҳотларнинг тизимли давом этишини истаётган юртдошларимизнинг холисона қарор қабул қилишларига туртки берди, десак муболаға бўлмайди.

Демак, халқимиз O‘zLiDePни қўллаб-қувватлар экан, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ва жамиятнинг барча соҳаларини кенг қамраб олаётган изчил ислоҳотлар, янгиланишлар давом этиши учун ҳам овоз берди. Айнан ана шу омилнинг ўзиёқ аксарият юртдошларимизнинг сайловлардаги танловига ижобий таъсир қилган муҳим жиҳатлардан бири бўлди.

Иккинчидан, 27 октябрда бўлиб ўтган сайловда эришилган муваффақиятга O‘zLiDePнинг ўтган беш йилдаги фаолияти ҳам асос яратди, дейиш мумкин. Энг аввало, сиёсий куч 2019 йилда халқимизга берган ваъдаларини амалда бажаришга астойдил киришди. Бу борада кўзга кўринарли натижаларни қўлга кирита олди. Қолаверса, мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеалар бўлмиш 2021 ва 2023 йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида ҳам ўзининг фаол позициясини кўрсатиб, аҳолининг катта ишончини қозонди. Аслида бу сайловларда ҳам партия халқнинг интилишлари, орзу-умидларига мос келадиган ҳаётий қарорлари билан кўпчиликнинг ишончини оқлаган эди. Асосийси, ушбу сайловлар бир нарсани кўрсатди, яъни юртдошларимиз ҳал қилувчи паллада O‘zLiDeP уларнинг ният-истаклари, келажакка бўлган ишончига мос таклифлар билан ўртага чиқа олишини амалда кўрди.

Хусусан, 2023 йилда қабул қилинган ва аҳолини кўп йиллардан бери ўйлантириб келаётган кўплаб масалаларни ўзида акс эттирган, асосийси мамлакатнинг кейинги тараққиёт истиқболларини белгилаб бера олган янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши ташаббускорларидан бири ҳам айнан O‘zLiDeP бўлганлиги унинг халқ орасида зарур паллада мамлакат тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган сиёсий куч сифатида шаклланганлигини яна бир бор намоён этди.

Ушбу сиёсий куч ўз партиявий тузилмалари, фракцияси ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг кундалик фаолиятини ҳам мамлакат Президентининг халқчил ва аҳоли томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётган сиёсатини амалга ошириш, уни ҳаётга татбиқ қилишда тўсиқ бўлиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишга қаратди.

Натижада ўтган йиллар давомида партия фракцияси томонидан, айниқса, 2020-2024 йилларда парламент қуйи палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган 404 та қонуннинг ҳар бири фракциямиз депутатлари томонидан атрофлича муҳокама этилиб, уларни такомилига етказиш бўйича берилган таклифлар тўлиқ қўллаб-қувватланди. 41 та қонун лойиҳаси бевосита фракциямиз депутатлари томонидан, шундан 24 таси бошқа фракциялар депутатлари билан бирга ташаббус ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди.

Ўтган беш йилда биргина тадбиркорликни ривожлантириш борасида бир қатор аниқ ишлар амалга оширилди. Солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Бугунги кунда мулк солиғи ставкаси 5 %дан 1.5 %га камайтирилди, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 %дан 12 %га туширилди. Иш ҳақига нисбатан солиқ юки 2 баравар камайтирилди. Тадбиркорлик соҳасидаги 132 та лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 16 та назорат функциялари ҳам бекор бўлди. Бундан ташқари, давлат идоралари томонидан фуқаролар ва тадбиркорлардан 70 дан зиёд ҳужжат ҳамда маълумотномаларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинди.

Қувонарлиси, охирги 5 йилда 7 миллионга яқин яратилган янги иш ўринларининг 55 фоизи тадбиркорлар ҳисобига тўғри келганидир.

Тадбиркорлар учун яратилаётган кенг имкониятлар туфайли беш йил ичида Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари сони 2,5 бараварга ошганлигини кўришимиз мумкин. Мана шу кўрсаткичнинг ўзиёқ партияни доимо қўллаб-қувватлаб келган электоратимиз вакиллари – ишбилармонлар қатламининг қанчалик даражада кенгайиб, тобора мустаҳкамланаётганлигини исботлайди.

Албатта, сайловларда партияга овоз берувчилар сонининг ошиш динамикаси таҳлил қилинганда тадбиркорлар таркибидаги мана шу сифат ўзгаришларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

O‘zLiDePнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бу каби саъй-ҳаракатлари ушбу рақамлар билан чегараланмайди, албатта. Бу борада аҳолини, биринчи навбатда тадбиркор ва фермерларни қийнаётган турли муаммоларни бартараф этиш учун тезкор муносабат билдириш амалиётининг йўлга қўйилганлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Хусусан, ижтимоий тармоқларда кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлган бир қатор масалаларда партиянинг ўз вақтида муносабат билдириб, зарур ҳолларда тегишли органларга ўз депутатларининг сўровларини юбориб борганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Масалан, 2023 йилнинг октябрида жиззахлик тадбиркор Қашқадарёдан 60 тонна чигитни олиб чиқиш вақтида таъқиққа учраганлиги масаласида партиянинг аралашуви ва вилоят ҳокимлигига юборилган депутат сўрови, 2023 йилнинг декабрида Хоразм вилояти Гурлан туманидаги қирқдан ортиқ фермер хўжаликларини ер майдонларини олиб қўйиш билан боғлиқ ҳолатга бевосита партиянинг аралашуви, шу йилнинг январь ойида Косон туманидаги фермер хўжаликларининг ер майдонлари захирага қайтарилишининг қонунийлигини ўрганиш борасида ёки жорий йилнинг март ойидаги хусусий олий таълим муассасасининг лицензиясини олиб қўйиш масаласи бўйича билдирилган тезкор муносабат ва бошқа амалий ишлар партиянинг ҳар бир муаммоли ҳолатда четда турмасдан, ўз вақтида қатъий позициясини билдириб борганлиги, зарур ҳолларда тегишли партиявий ва депутатлик воситаларининг ишга солганлиги орқали юзага келаётган вазиятни адолатли ҳал қилинишига эришиб келганлигини кўрсатади. Албатта, санаб ўтилган бу каби омилларнинг ҳам тадбиркорлар ва уларнинг ортида турган минг-минглаб юртдошларимизнинг сайловлардаги қатъий қарорларига таъсир этгани аниқ.

Учинчидан, партиянинг ушбу сайловда йирик натижага эришишида муҳим роль ўйнаган сабаблардан яна бири O‘zLiDeP томонидан илгари сурилган сайловолди дастури бўлгани шубҳасиз. Асосийси, жуда содда, аҳолининг барча қатламлари учун тушунарли тилда тайёрланган ушбу дастур тизимли, ўзбек жамиятининг эртанги кунини партия қандай кўраётгани борасида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имкониятини берадиган, аҳолининг барча сегментлари манфаатларига мос таклифларни ўз ичига олган муҳим ҳужжат сифатида тақдим этилганидир.

Албатта, дастурда биринчи навбатда партиянинг асосий электорати ҳисобланган тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар учун ғоят муҳим таклифлар ўрин олган эди. Қолаверса, бу билан чекланиб қолинмасдан, партия аёллар, ёшлар, аҳолининг кекса ёшли вакиллари учун ҳам бир қатор муҳим таклифларни илгари сурди ва бунда айнан уларни ўйлантириб турган муаммоларни дадил кўтариб, мазкур масалаларни ҳал қилиш борасида ўз ёндашувларини тақдим эта олганлигини кўриш мумкин. Фан, таълим соҳаси вакиллари, соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа соҳаларни ҳам ривожлантириш борасида партиянинг сайловолди дастурида аниқ таклифлар илгари сурилган эди.

Шунингдек, аввал ўзини бошқа партия электорати ҳисоблаган ижтимоий соҳалар, қолаверса маданият, фан, таълим соҳалари вакилларининг ҳам маълум бир қисми ўзини ўйлантирган масалаларга жўялироқ жавобларни айнан O‘zLiDeP дастуридан топганлиги ва шунинг учун ҳам сайловда ушбу партияга ҳеч иккиланмай овоз берганлиги аён бўлди. Бунинг исботини аввалги сайловларда аҳолининг ушбу қатламлари вакиллари ҳисобига ўз овозини тўплаб келган айрим партияларнинг бу сафар ушбу овозларнинг бир қисмини йўқотганлигида кўриш мумкин.

Ўз навбатида айнан шу ҳолат O‘zLiDeP учун жуда муҳим бир вазият – партиянинг жамиятдаги ижтимоий таянчи эндиликда фақатгина тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар доирасидан анча кенгайиб, аҳолининг бошқа қатламларини ҳам қамраб ола бошлаганлигини кўрсатади. Демак, жамият тараққиётида айнан O‘zLiDeP кейинги ўн йилликлар давомида халққа тарғиб қилиб келаётган қарашлар эндиликда аҳолининг деярли барча қатламлари учун ҳам жозибадор, бир сўз билан айтганда, эртанги кунга ишонч уйғотадиган ғояларга айланиб улгурганлигидан далолат беради.

Масаланинг бундай қўйилиши, эндиликда O‘zLiDeP нафақат тадбиркорларни ўйлантирадиган муаммоларга, балки партия учун ўз овозларини берган ижтимоий соҳа вакиллари олдида ҳам масъулиятни жиддий ҳис қилиши, мазкур сайловдан сўнг ушбу йўналишдаги ишларга ҳам устувор аҳамият қаратиши лозимлигини тасдиқлайди.

Тўртинчидан, O‘zLiDePнинг ушбу ғалабаси сабабларини таҳлил этганда, албатта, жорий йилдаги сайловларнинг биринчи марта аралаш сайлов принципи асосида бўлиб ўтганлигини ҳам эътиборга олмоқ лозим деб ҳисоблаймиз.

Бу йилдан бошлаб пропорционал сайлов тизимига хос қоидаларнинг жорий этилганлиги, аҳолига бевосита сиёсий партияларга овоз бериш имкониятини яратди. ***Дунё амалиёти жамиятда ўз ўрнига эга бўлган, йирик партиялар учун пропорционал сайлов тизими айни муддао эканлигини, чунки аҳоли бундай ҳолатларда ўзи яхши танийдиган, ишонадиган партияга овоз беришини кўрсатади. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Шу асосда ўтган биринчи сайловдаёқ O‘zLiDeP парламентдаги 75 та ўриндан 26 тасини, яъни, партиявий рўйхат бўйича олиниши мумкин бўлган барча ўринларнинг учдан биридан кўпроғини қўлга киритди!***

Албатта, ушбу кўрсаткич партиянинг мазкур йўналишда янада йирикроқ натижаларни қўлга киритиш имкониятлари мавжудлиги, бу борада кейинги сайловларгача жаҳон амалиётидаги бой тажрибаларни янада чуқурроқ ўрганган ҳолда тизимли равишда амалга ошириши лозим бўлган аниқ вазифалар борлигини кўрсатади. Бу каби мақсадли вазифалар амалга оширилса, ўйлаймизки, партиянинг Ўзбекистон сайлов тизимига эндигина кириб келаётган аралаш сайлов тизими асосида ўтказилаётган сайловларда янада кўпроқ овоз олиш имконияти кенгаяди.

Бешинчидан, пропорционал сайлов тизимида ташкил қилинган ягона сайлов округида O‘zLiDeP юқорида тилга олинганидек, қувонарли натижага эришган бўлса-да, лекин, тан олиш керакки, бир мандатли округларда бўлган сайловларда кўпроқ овоз тўпланди. Ушбу тартибдаги сайловларда иштирок этиш борасида партиянинг тажрибаси катта бўлганига қарамасдан, яъни айнан шундай тамойиллар асосида бўлиб ўтган сайловларда ҳамиша ғолиблик қўлган киритилган бўлса ҳам 2024 йилги сайловда қўлга киритилган юксак натижа ҳали бу сиёсий куч тарихида кузатилмаган эди, дея бемалол айтиш мумкин.

Масалан, ўтган сайловларда 120 та ўриндан 41 та, 150 та ўриндан 52 ва икки марта 53 та ўрин олишга эришган. O‘zLiDeP кўпи билан барча ўринларнинг ўртача 35 %га тенг қисмини эгаллаб келган. Бу галги сайловда сайлов округлари бўйича илгари сурилган 75 та номзоднинг 38 таси, ёки қарийб 51 %и ғалабага эришди.

Бундай феноменал кўрсаткичнинг асосий сабабларидан бири, албатта, юқорида биз имкон қадар келтириб ўтган амалий асослар бўлса-да, яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айнан қўшимча равишда бир мандатли округлар бўйича партия томонидан илгари сурилган номзодларнинг ниҳоятда тўғри танланганлиги ҳам бўлди, дейиш мумкин. Номзодлар фаолияти таҳлил қилинар экан, аёнки, улар орасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бой тажриба орттириб, биринчи навбатда сайловчилар ишончини қозонган фаол депутатлар билан бир қаторда улар орасида ёш бўлса-да, лекин аллақачон жамиятда ўз ўрнига эга бўлган, эгаллаган соҳасининг ҳақиқий билимдонлари бўлган номзодлар ҳам борлигини таъкидлаш лозим.

Олтинчидан, сайловолди кампаниясига янгича ёндашув: имкон қадар ҳар бир хонадонга, ҳар бир сайловчига етиб боришга ҳаракат қилиш, ўтган сайловларда ўзини оқлаган услублар билан бир қаторда илгари миллий сайлов жараёнларида қўлланилмаган мутлақо янгича воситаларнинг ишга солиниши каби омиллар ҳам O‘zLiDePнинг ўзига хос тарғибот стратегиясини белгилаб берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига илгари сурилган қарийб 6 мингга яқин номзодлар, уларнинг 19 мингдан ортиқ ишончли вакиллари, партия худудий кенгашлари қошида тузилган тарғибот гуруҳлари, буларнинг барчаси сайловолди ташвиқотлари даврида қарийб 700 мингга яқин учрашувларни ташкил эта олди. Қолаверса, тарғибот гуруҳлари мамлакатдаги 11 мингга яқин маҳаллаларнинг аксариятига кириб бориб, хонадонма-хонадон юриб, партия ва ундан кўрсатилган номзодларнинг тарғибот материалларини тарқатиш ишларини амалга оширди. O‘zLiDeP томонидан ташкил этилган “Тарғибот автобус”лари деярли барча йирик шаҳарларни айланиб чиқиб, ўн минглаб сайловчилар орасида тарғибот тадбирларини амалга оширишга улгурди. Тарғиботчи-велосипедчилар фаолияти ҳам илгари амалиётда учрамаган ва аҳоли орасида партия номзодларига бўлган эътиборни кучайтира олган янги тарғибот усулларидан бири бўлди дейиш мумкин. Партиянинг ҳудудлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган, ҳар бирида ўртача 3 мингдан 10 минггача сайловчилар қатнашган оммавий тадбирларида “Ёшлар клублари” (аввалги “Ёшлар қаноти”) жалб этган кўнгиллилар (волонтёр)ларнинг умумий сони 100 минггача етганлиги ёшларимизнинг O‘zLiDeP сайловолди тадбирларини қанчалик қўллаб-қувватлаганлигини кўрсатади. **Натижа эса кўнгилдагидек: яъни партия сайловчиларнинг қарийб учдан икки қисмига яқинроғини ўз тарғибот доирасида қамраб олишга эришди, дея бемалол айтиш мумкин.**

Яна бир эътиборга молик жиҳати шуки, бу бевосита сайловолди ташвиқот тадбирлари доирасида амалга оширилган партияларо дебатлардир. Худди ана шу жонли ва юзма-юз мулоқотлар ҳам O‘zLiDeP дастурининг устун, халқчил жиҳатларини кенг аҳолига етказишда муҳим роль ўйнади, десак муболаға бўлмайди.

Биз келтириб ўтган ҳаётий асослар ва мисоллар O‘zLiDePнинг ушбу сайловга жиддий тайёргарлик кўриш ва бу муҳим сиёсий жараённи муваффақиятли ўтказишда ўзига хос синов вазифасини ўтади дея оламиз.

Албатта, 2024 йил 27 октябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказилган сайлов мавзуси ҳали сиёсатшунослар, социологлар, бошқа ижтимоий соҳалар вакиллари томонидан ҳам батафсил ўрганилади, бу борада холисона муносабат билдириш, фикр-мулоҳазаларни эълон қилиш лозим. Чунки ҳар қандай вазиятда ҳам халқимиз ва мамлакат тақдирига дахлдор бундай сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ниҳоятда муҳимдир. Бу, албатта, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кўппартиявийлик, қолаверса, янгича сайлов тизимини янада такомиллаштириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

ОИЛАДА ҲАМ, ЖАМИЯТДА ҲАМ ФАОЛДИР УЛАР

Аҳолисининг 17 миллиондан зиёдини хотин-қизлар ташкил қилаётган юртимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали турмуш фаровонлигини ошириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мақомини ошириш ва уларнинг муаммоларини ижобий ҳал этиш йўлида жонбозлик билан фаолият юритаётган O‘zLiDeP ҳам бугун аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ишида улкан натижаларга эришиш учун турли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бугуннинг замонавий тадбиркор аёл қиёфасини яратиш мақсадида 9 йилдирки, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови партиянинг ана шундай ибратли лойиҳалардан биридир.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ДАН...

Мамлакатимиздаги муҳим сиёсий жараёнлар остонасида ўтказилган “Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун”, “Эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!” шиорлари остида ташкил этилаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг ҳудудий республика босқичи Олмалиқ шаҳридаги “Металлург” маданият саройида бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Виктор Пак, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудири Севара Муслимова, партия вилоят кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев ҳамда маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлари, танловнинг туман ва шаҳар ғолиблари, тадбиркорлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Танлов доирасида вилоятда фаолият юритаётган салоҳиятли фермер, тадбиркор ва ишбилармон аёллар раҳбарлигидаги корхоналар маҳсулотлари намойиши ўтказилди.

Ҳакамлар баҳолаш жараёнида уларнинг экспорт ва импорт имконияти, хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги фаоллиги, ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашда амалга оширган амалий ишларини инобатга олди. Якуний натижаларга кўра, Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшиб келаётган янгийўллик якка тартибдаги тадбиркор Нилуфар Ярматова мутлақ ғолибликни қўлга киритди. 2-ўринга Бўка туманидаги “Ёш Суннатилла” фермер хўжалиги раҳбари Клара Худойбергенова, 3-ўринга Ангрен шаҳридаги “Акбарали ширинликлари” МЧЖ раҳбари Севарахон Жакбарова лойиқ деб топилди.

– Бир пайтлар мен ҳам “Аёллар дафтари”да туриб, давлатимизнинг қўллови билан имтиёзли кредит олиб, ўзим севган санъатимни дунёга олиб чиқишга муваффақ бўлганман, – деди якка тартибдаги тадбиркор Нилуфар Ярматова. – Қийин молиявий вазиятга тушиб қолганимда ҳам мўйқаламимни ташламадим. Юртимизда аёлларнинг ҳаётидан рози бўлиб яшашлари йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар менинг ҳам ҳаётимда ижобий ифодасини топди. Мақсадли берилган кредит текшируви билан устахонамга келган мутасаддиларнинг менга бизнес ҳамкорлар, сопол, ёғоч, тери ва матода мойбўёқдан фойдаланган ҳолда яратган санъат асарларимга харидорлар топишда берган амалий кўмаклари туфайли оғир шароитдан чиқиб кетдим. Маҳсулотларимни Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент каби туристик шаҳарларда ҳам сотувини йўлга қўйишга муваффақ бўлдим. Натижада “Йил аёли – 2021” кўрик-танлови ғолибаси бўлдим.

Тошкент вилоятининг энг чекка ҳудудларида ҳам вақтинча иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга бепул ўқитиш орқали тадбиркорликка йўналтириш, фаолиятини қўллаб-қувватлаш, IT технологияларидан унумли фойдаланиш кўникмасини ошириш борасида жуда катта амалий ишлар қилаётганига гувоҳмиз. Натижада кўплаб опа-сингилларимизнинг ҳам оилада, ҳам жамиятда фаоллиги янада ошаётир.



Шу куни турли номинациялар бўйича ҳам фаоллар аниқланиб, партиянинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Зуҳро МИРЗОҲАМДАМОВА,
O‘zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири

ЖИЗЗАХ

Жиззахдаги Киберспорт аренасида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг ҳудудий республика босқичи O‘zLiDeP-нинг истиқболли лойиҳаларидан бири мазкур ҳудудда ҳам кенг қанот ёйганини яна бир бор кўрсатиб берди. Хусусан, танлов баҳонасида янги номлар кашф қилинмоқда, иш тажрибалар оммалаштирилмоқда, жойларда ўз бизнесини бошлаш иштиёқида бўлган хотин-қизлар қўллаб-қувватланмоқда.

Яна бир жиҳат, кўрик-танлов доирасидаги тадбирларда иштирок этган ишбилармон аёллар нафақат ўз ютуқ ва муваффақиятларини намойиш қилаётир, балки ўзларини ташвишга солаётган муаммоли масалаларни партия фаоллари ва ҳамкор ташкилот вакиллари билан муҳокама қилиб, ечим топишяпти.

– Қувонарлиси, аёлларимиз анъанавий йўналишлардан ташқари бутунлай янги соҳаларда ҳам ўз куч, маҳоратларини синаб кўришмоқда, – дейди вилоят ҳудудий партия ташкилоти “Аёллар қаноти” гуруҳи раҳбари Саида Умаралиева. – Мисол учун, Пахтакор тумани Оқбулоқ маҳалласида истиқомат қилаётган Мақсуда Дувланова қўзиқорин етиштиришни йўлга қўйган. Айни кунда нафақат вилоятдаги, балки Самарқанд, Навоий ва бошқа ҳудудлардаги ресторан ва овқатланиш шохобчаларига маҳсулот етказиб бермоқда. Ҳар бир маҳаллада кўплаб гўзаллик салонлари, тикувчилик, қандолатчилик цехлари фаолият кўрсатяпти. Уларда айнан маҳалла хотин-қизлари фаолият олиб боришмоқда.



Узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг, ғолиблар рўйхати эълон қилинди. Зоминлик тадбиркор, “Ясмин чеварлари” МЧЖ раҳбари Зебинисо Эшимова кўрик-танловда фахрли биринчи ўринни эгаллаган бўлса, иккинчи ўринга Жиззах шаҳридаги “Хадижа барака маҳсулотлари” оилавий корхонаси раҳбари Гулнора Исматуллаева, 3-ўринга Дўстлик туманидаги “Бунёдкор тикувчи қизлари” МЧЖ раҳбари Гулҳаё Шоҳимардонова муносиб кўрилди.

– Биз олти овсин биргалашиб тадбиркорлик қилишга қарор қилдик, – дейди Зебинисо Эшимова. – Япония ижтимоий ривожланиш жамғармаси томонидан эълон қилинган “Ўзбекистонда қишлоқ аёлларининг иқтисодий имкониятини кенгайтириш” лойиҳасида қатнашиб, 101 миллион сўмлик грант ютиб олдик. Нимча, чопон каби пахталик кийимлар тикишни йўлга қўйдик. Айни пайтда маҳсулотларимизнинг қўшни Сирдарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ҳам бозори чаққон. Аҳилликда гап кўп, деб шунга айтсалар керак-да. 6 овсин ўз оиламиз фаровонлигига ҳисса қўшишдан ташқари, яна 60 нафар янги иш ўрни яратишга муваффақ бўлдик.

ОЛТИ ОВСИН ШОҲСУПАДА

Турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, O‘zLiDePнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

ҚАШҚАДАРЁ

ХАЙР-БАРАКА ҲУНАРДАН

“Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг Қашқадарёда бўлиб ўтган республика ҳудудий босқичида туман, шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган фермер, тадбиркор ва томорқа ер эгалари бўлган ташаббускор ва изланувчан хотин-қизлар қатнашди. Воҳанинг энг сўлим ва баҳаво маскани бўлган “Лочин” оромгоҳида ташкил этилган тадбирда O‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Арзиқул Шеров, Яккабоғ туманидаги “Sitora imkon plyus” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, депутат Наргиза Саломова ва бошқалар “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастури ҳамда партия лойиҳаларининг амалий ижроси хусусида сўзлади.

– Бизнинг Бойли қишлоғимиздаги гиламчилик мактабларида кўплаб қизлар ҳунар ўрганади, – дейди чироқчилик Дилфуза Мўминова. – Гиламларни асосан қўй жуни ва ипдан тўқиймиз. Қишлоқ қизлари сепларига ўзлари тўқиган гиламни солишлари одатга айлангани боис ёшликдан тўқишни билишга ҳаракат қилади. Жун гиламчалар, хуржун, тўшамчи, сумкаларни хорижлик сайёҳлар яхшигина пулга сотиб олишяпти. Айниқса, миллий кийимлар, желак, қадимий тақинчоқларимиз жуда харидоргир. Ўттиздан ортиқ шогирдим бор, мана шу ҳунарларимиз туфайли уларнинг рўзғорига барака кираяпти. Бу танловда биринчи марта иштирок этяпман. Вилоятимизнинг турли гўшаларида фаолият олиб бораётган ишбилармон аёлларнинг тажрибалари билан яқиндан танишдик. Айниқса, миллий тақинчоқлар ясаш, ироқи каштачилик намуналари солинган маҳсулотлар бизда катта қизиқиш уйғотди. Келгусида қишлоғимизда ана шундай маҳорат мактаблари ташкил этиб, қизларимизга ҳунар ўргатиш учун қаршилик ва шаҳрисабзлик ҳунармандларни таклиф этмоқчимиз.



Натижаларга кўра, биринчи ўринга Яккабоғ туманидаги “Ризо ота” фермер хўжалиги раҳбари Ҳамида Меликўзиева сазовор бўлди. Хўжалик тасарруфида 43,1 гектар ер бўлиб, 35 нафар ишчиларнинг доимий ва мавсумий бандлиги таъминланган. Ҳар йили пахта ва ғалла, пилла етиштириш бўйича давлат шартномалари ортиғи билан бажарилмоқда. Жорий йилда 20 гектар майдонга ёмғирлатиб суғориш ускунаси ўрнатилди. Фермернинг ташаббуси билан мазкур хўжаликда қишлоқ хўжалик экинларини ёмғирлатиб, томчилатиб суғоришга бағишланган амалий семинарлар ташкил этилади.

Иккинчи ўринга Қарши шаҳрида заргарлик йўналишида фаолият олиб бораётган Гавҳар Усмонова, учинчи ўринга эса шаҳрисабзлик ҳунарманд Дилноза Тўраева лойиқ деб топилди. Шунингдек, бир гуруҳ ишбилармонлар “Маҳалланинг энг ишбилармон аёли”, “Энг намунали томорқачи ишбилармон аёл”, “Энг намунали ҳунарманд ишбилармон аёл”, “Маҳаллада энг кўп иш ўрни яратган ишбилармон аёл” номинациялари бўйича ҳам тақдирланди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

БУХОРО

3 КИШИЛИК ЖАМОА 1 000 ДАН ОШДИ

Бухоро давлат университетида ўтказилган танловнинг очилиш маросимида сўз олган партия вилоят кенгаши раиси Обиджон Ҳамидов ва унинг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Д. Аҳмедова “Ишбилармон аёл” лойиҳаси доирасида бухоролик кўплаб тадбиркор, фермер ва ҳунарманд хотин-қизлар кашф этилганини эътироф этишди. 2016 йилдан бери анъанавий равишда ўтказиб келинаётган бу тадбир жорий йилда ҳам ўзгача тарзда ташкил этилди. Дастлабки саралаш босқичи маҳаллаларда бўлиб, 500 дан ортиқ хотин-қиз иштирок этди. Ҳудудий республика босқичида вилоятнинг туман, шаҳарларидан келган 13 нафар ишбилармон беллашди.



– Мазкур кўрик-танловда кўп тармоқли корхона ишбошиси сифатида иштирок этдим, – дейди вилоят марказидаги “Ruxshana teks” оилавий корхонаси раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳибаси Шоира Бўлдиева. – Тўқимачилик ва тикувчиликка ихтисослашган, тўқув, тикув, ип йигирув ва бўяш имкониятига эга бўлган корхонамизда 1 200дан ортиқ кишининг бандлиги таъминланган. 14 йил олдин атиги 3 киши билан фаолият бошлаган эдик. Ҳозирда экспортёр сифатида Туркия, Россия, Эрон, Болтиқбўйи республикалари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузиб, фаолият олиб боряпмиз.

Ниҳоят “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови ҳакамлар ҳайъати ғолибалар номини эълон қилди: Шоира Бўлдиева фахрли 1-ўринга муносиб деб топилди. 2-ўринни Коғон шаҳридаги “Анори вурғун” фермер хўжалиги раҳбари Хурсанд Раҳмонова эгаллади. Жондор туманидаги моҳир каштачи, ёш бўлишига қарамай қатор шогирдларнинг талабчан устози Шаҳноза Шарипованинг каштачилик ривожида ўрни бор. Нозик дидли аёлнинг кўз нури, қалб қўри ва меҳридан яратилган нафис ва бежирим қўл маҳсулотлари кўзни қувонтиради. Шу боис Шаҳноза Шарипова танловнинг 3-ўрнини эгаллади.

Эслатиш жоиз, танлов низомига асосан ҳудудий босқич ғолиблари “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари ҳисобланади.

Асҳор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

ОЙНА

ТУНГИ БЎЛСА-ДА... ЛУНГИ БЎЛСИН!



...Ижтимоий тармоқда бир аёлнинг изтироб билан йиғлаб қилган илтимос-мурожаати тарқалди: “Шаҳарда бир нарса деган клуб бор экан, икки қизимни шу ерга олиб боришибди. Қизларим уйимда, бағримда бўлишини истайман!”

Устидаги хизмат либосига қараганда ободонлаштириш бошқармаси ишчиси, шевасига кўра эса бу аёл хоразмлик экани аён. У вилоят марказидаги қайсидир тунги клуб фаолиятидан нолиётир...

Эсингизда бўлса икки йил аввал Наврўз байрами нишонланаётган кезларда айнан Урганчдаги қайсидир тунги клубда сумалак қайнатаётган хотин-қизлар акс этган лавҳалар тарқалган эди. Йилбошимиз шарафига барча жойларда сумалак сайиллари ўтказиш, бу қувончли дақиқаларни бошқалар билан улашиш миллий урф-одатимизга айланган. Аммо бошқа лавҳалардан фарқли равишда тунги клубда “сумалакчи” хонимлар ярим яланғоч кийимда эди...

Шармандали тасвирлар кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлди ва клуб эгалари жамоатчиликдан узр сўради, айримларига енгилгина чоралар ҳам кўрилди ва...кейин ҳаммаси унутилди.

Уч йил аввал қўшкўпирлик бир аёл ёшгина ногирон фарзандини тарбиялаётгани ва устига устак кимлардир катта қизининг бошини айлантириб, тунги клубнинг доимий “мижози”га айлантирганини йиғлаб сўзлаб берган эди.

Эсимда, “ошкоралик замони”да ёшлар ташкилоти йигит-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида шаҳарлар ва ҳатто туман марказларида кўнгилочар клублар ташкил қилиш ғоясини ўртага ташлаган эди. Энг қизиғи, улар ўша даврда “дискотека” атамаси билан машҳур бўлган ва ёшлар ўша жойга бориб, қўшиқ эшитар, рақсга тушар, гўёки дам олиш вақтларини шу зайл хушчақчақлик билан ўтказишарди. Аммо бундай дискотекалар фаолияти тегишли идоралар томонидан қатъий назоратга олиниб, иш вақти, ўтказиладиган тадбирнинг мазмун-моҳияти, ҳатто магнитофонда эшиттириладиган қўшиқлар рўйхати ҳам олдиндан тасдиқлаб олинар эди. Исталган дискотека эса кечки соат 22.00 дан сўнг тақа-тақ ёпиларди.

Ҳозир-чи?

Ижтимоий тармоқда пойтахтнинг Юнусобод туманида яшайдиган бир тадбиркор аёл билан танишиб қолдим. Шаҳар чеккасида яшар экан ва ҳовлисида саккиз бош ҳўкиз боқаркан (Сўқимга боқилаётган новвослари тасвирларини ҳам жўнатган эди). Ушбу тадбиркорлиги орқали ўғли ва ўзи учун уй олишга пул жамғараётган ва аёл боши билан эркаклар ишини қилаётган матонатли инсонга тасаннолар айтдим. Ўз тақдирини ўзи яратаётган бу замондошимиз ҳақида мақола ёзмоқчи бўлиб, телефон орқали шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёзиб олгач... шу заҳоти у ҳақда ёзиш фикримдан воз кечдим. Нима учун десангиз, билсам, у ҳафтада уч кун пойтахтдаги бир тунги клубда ишлар экан. “Менинг вазифам тунги клуб мижозлари учун турли салатлар тайёрлаш. Ҳар куни 300 минг сўмдан беришади. Ишга кечқурун соат тўққизларда бораман ва саҳар маҳал соат бешларда уйга қайтаман. Клуб уйимга яқин Катта ҳалқа йўли устида. Ҳафтасига салкам бир миллион сўм ишлайман” деди бамайлихотир...

Унинг айтишича, тунги клуб номига мос, яъни ярим тунда иш бошлайди. Келувчилар тун оққанда келади ва тонггача маишат қилади. Унинг ўзи гап орасида билиб-билмай бошқа бир сирни ҳам очиб қўйди: “Ўзига тўқ, бадавлат одамлар кўпинча ёш-ёш қизларни олиб келади. Улар орасида контракт тўловларида қийналиб қолган талаба қизлар ёки Тошкентдан уй олмоқни орзу қилган аёллар кўп”...

Баъзан интернетда ушбу мавзуда бирор ҳавола, шов-шувли хабар тарқалгудек бўлса, кузатувчиларнинг аксари муносабатини икки қатор сўз билан “Етиб келибмиз!”, “Қаёққа кетаяпмиз?” дея изоҳлайди.

Биламизки, бу каби шарҳлардан алам уфуриб туради, афсус ёғилади.

Минг йиллик шарқона қадриятлар таъсирида тарбия топганлар эса сукут сақлашни маъқул кўради. “Ўта замонавийлашган”лари ёқангиздан олишга тайёр: “Ҳуқуқий демократик давлатда яшаяпмиз. Инсон эркинлиги чекланиши мумкин эмас. Гендер тенглик тамойиллари ҳамиша устун бўлиши керак! Ўрта асрлардаги ҳаёт тарзини бугунги кунимизга тиқиштирманг!”

Биз таъқиқлаш ҳақида айтмаяпмиз, бундай ноўрин ҳолатларга исломий қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашаётганимиз ҳам йўқ. Биз тартиб ва интизом тарафдори ўлароқ ҳамма нарсада меъёр бўлиши, бир ҳовуч айшу ишратга ўч кимсалар манфаати бошқаларникидан устун қўйилмаслигини истаяпмиз холос.

Ҳали мақоламиз аввалида кенг жамоатчиликка йиғлаб мурожаат қилаётган аёлнинг ҳам изтиробини тушунамиз. Қизлари илк бора тунги клубга бориб, тонггача қолиб кетгани, уйига қайтиб келганида уларни койигани аниқ. Фақат койиган, тўғрими? Сўкса ёки қизишиб кетиб, муштига эрк берса борми, “бошқа шахсга тажовуз қилгани учун” маҳкамага тортилишини билгани учун танбеҳ бериш билан чекланган. Бу нохуш ҳолат такрорланавергач, ўзи яшаётган маҳалла масъулларидан имдод истаган ва “Балоғат ёшига етган қизларингиз эрки ўз қўлида, уларнинг шахсий ҳаётларига аралаша олмаймиз”, деган жавоб эшитган ҳам. Яна унинг ўзини айблашган: “Ҳамма айб ўзингизда, берган тарбиянгиз маҳсули шу, энди жабрини тортаверасиз!”

Иқтисодиётда “талаб эҳтиёждан келиб чиқади”, деган қонуният бор. Яъни, бирор маҳсулот(товар)га бўлган талабни фуқароларнинг эҳтиёжи белгилайди. Эҳтиёж бор жойда талаб шай туради.

Бу бозор сиёсатининг олтин қоидаси!

Биз ҳам ана шу “темир” қоидадан келиб чиқадиган бўлсак... демак, тунги клубларга эҳтиёж бор экан-да, деган хулосага келамиз. Шундайми?

Афсуски, шундай.

Тунги клублар асосан аҳолининг ёшлар қатламига мўлжалланган бўлиб, ишдан, ўқишдан, кундалик елиб-югуришлардан чарчаган инсонлар бу ерда кечки овқат тановвул қилиш баробарида маданий ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Мижозлари кўнглига йўл топиш учун бундай клублар соҳиблари замонавий қўшиқлар, мусиқаларни таклиф қилишади. Таниш-билишлар рақсга ҳам тушишади.

Булар биз ташқи томондан билган умумзалдаги ҳолат. Лекин, яширмайлик, айрим тунги клубларда алоҳида “хосхоналар” ҳам борки, у ерда нималар содир бўлаётгани аксар ҳолларда бошқалар назаридан четда қолиб кетаётир. Ва одатда, на амалдаги қонун-қоидаларга, на миллий қадриятларимизга мос келадиган кўнгилсиз ҳолатлар, яъни ахлоқий бузуқлик, майхўрлик (ҳатто гиёҳванд моддалар истеъмоли ҳам) ана шу пана-пастқам хоналар муҳитини белгилайди. Бу каби яширин “бурчак”ларнинг тунги ҳар бир соати фалон минг (балки бир неча миллиондир) сўмга ижарага олинаётгани ҳамда уларга алоҳида эътибор берилиб, энг юқори даражада хизмат кўрсатилаётгани аниқ.

Олти-етти йилча бурун аҳоли ўртасида жиддий норозиликларга сабаб бўлгани учун ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан биргаликда ана шундай тунги клублар фаолиятини ўрганиш бўйича ўтказилган рейдларда қатнашган эдим. Ҳуқуқбонлар биринчи навбатда уларнинг иш вақтини назорат қилган. Кейин эса маст-аласт ёшлар тўполон чиқармасликлари, таъқиқланган нарсалар истеъмол қилмасликлари бўйича клуб эгаларига огоҳлантириш бериш билан чекланилган. Ва яна бир ачинарли томони, бизни ҳамон ташвишга солаётган “хосхоналар” ўшандаям назоратдан четда қолган. Бу, аввало, тадбиркорлик фаолиятига аралашиш ҳамда инсон ҳуқуқларини бузиш деб талқин қилиниши мумкинлиги катта тўсиқ бўлган.

Ҳозирги кунда деярли барча катта-кичик шаҳарлар, вилоят марказларида ўнлаб тунги клублар гуриллаб ишлаб ётибди. Негадир сўнгги пайтларда “тунги клублар фаолиятини назорат қилиш бўйича ўтказилган рейдлар” ҳақида расмий сайтлар, ТВларда шов-шувли хабарларга кўзимиз тушмаяпти. Нима учун бу каби назорат тадбирлари тўхтаб қолганини тушунмаяпман.

Айнан шу каби оғриқли саволлар кўпчиликни қийнаётгани сир эмас. Ахир ҳеч бир фуқаро ўз фарзанди тақдирига бефарқ бўлолмайди. Ҳаммаси бир ҳовлида яшаётган ота-оналар болаларининг тунда шундай жойларга бормаслиги чорасини кўрар, лекин турли сабаблар, яъни иш, ўқиш баҳонасида катта шаҳарларда юрганларни ким назорат қила олади? Бу жуда жиддий масала.

Умуман тунги клубларнинг иш фаолиятини ҳар доим қатъий назоратда ушлаб туриш шарт. Чунки айрим нафси ҳакалак отган “тадбиркор”лар худди шундай клублар ташкил қилиб, уларда ноқонуний хизматлар кўрсатиб, шулар ҳисобидан мижозлар чўнтагини қоқлаётгани биринчи навбатда ёшлар (ва айрим катталар ҳам) маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши айни ҳақиқат-ку!

Биласиз, умум ҳаммомда чўмилаётганда ақли бутун одамлар авратларини лунги билан бекитади, гарчи ёнидагиларнинг барчаси бир жинсда бўлса-да. Бу қадим қадрият, яъни ор-номусини ҳар нарсадан устун қўядиган халқимиз шуурига сингиб кетган азалий одат.

Бугун эса тунги клублар ана шу пардаланган ҳаё, ибо лунгини унутиб қўйгани учун алам билан ушбу мақолани ёзмоққа мажбурият сездик.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

БИЛАСИЗМИ?

“JOB OFFER”ДАН КИМ КЎПРОҚ МАНФААТДОР: ХОДИММИ ЁКИ ИШ БЕРУВЧИ?

Охирги йилларда ўзбек жамиятида “Job Offer” атамаси тез-тез тилга олина бошланди. Хўш, “Job Offer” ўзи нима? У ўзбек жамиятига қандай кириб келди? Унинг фойдали ва салбий жиҳатлари нималарда кўринади? Бу атама миллий қонунчилигимизга бегона эмасми?

Ушбу сўз инглизча “Job – иш, Offer – таклиф” сўзларининг қўшилмасидан ҳосил бўлган бўлиб, қоида тариқасида, электрон ёки босма шаклда юбориладиган ёзма ишга таклифнома ҳисобланади. Номзодларга иш таклифини юбориш орқали иш берувчи маълум бир шахс билан меҳнат шартномасини тузишга тайёрлигини кўрсатади. Қисқача айтганда, Job Offer меҳнат шартномасининг прототипидир. Аммо, Job Offer – бу меҳнат шартномаси эмас ва унинг ўрнини босмайди. Одатда ушбу ҳужжат номзодга меҳнат шартномасини тузишдан олдин юборилади.

“Job Offer” қоидалари иш берувчи томонидан ишга жойлашиш бўйича қандай таклифлар ишлаб чиқилиши, қачон эълон қилиниши ва қачондан ижро қилинишига оид стандартларни белгилашни ўз ичига олади. Масалан, лавозим тавсифларининг аниқлиги, иш ҳақи қандай тўланиши, ишга жойлашиш учун қўйиладиган талабларни ўз ичига олиши мумкин. Бундан ташқари ишга жойлашмоқчи бўлган ходимларни ишга жойлашишдан олдин қандай ишлашни таклиф қилиши яъни қонуний (меҳнат шартномаси) орқали ёки ноқонунийлиги ҳақида маълумотлар бериши керак. Мисол учун, Европа Иттифоқи мамлакатларидаги ишга таклиф эълонларида, албатта, иш ҳақининг миқдори ҳақида маълумот берилган бўлиши шарт.

Мазкур “Job Offer” қоидаларига кўра, бу – Европа Иттифоқида дискриминациянинг олдини олиб, ишчиларнинг эркин ҳаракатланишига туртки бўлади. Яъни бу билан ишчилар жинси, ирқи, миллати қандайлигидан қатъи назар, Европа Иттифоқига аъзо бўлган исталган мамлакатда бир хил маош олиш ҳуқуқига эга бўлади. Қолаверса, ишга жойлашиш жараёнидаги сунъий тўсиқ, ортиқча ҳужжатбозликнинг олдини олиш учун рухсатномасиз яшаши ва ишлашига ҳам изн берилади. Бу каби қонунларнинг ишлаб чиқилишига асосий сабаб, меҳнат бозорида камситилишнинг олдини олиш, номзодларга тенг ҳуқуқ беришдан иборат.

Бутун дунё бўйлаб меҳнат бозорининг асосий механизаторига айланган “Job Offer” амалиётини мамлакатимизда ҳам тартибга солиш билан боғлиқ қатор масалалар кўриб чиқилди.

Хусусан, иш изловчига қўйиладиган талаблар, ишга қабул қилиш жараёнида номзодлараро тенг имкониятларни жорий этиш, қолаверса, тизимда шаффофлик ва адолатни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этиш жоизки, мазкур қоидаларнинг ишлаб чиқилиши иш берувчи ва ходим ўртасидаги ҳуқуқларга сезиларли таъсир кўрсатди. Бироқ, бу мамлакатда “Job Offer” қоидаларининг тўла амал қилинишини англатмайди. Жумладан, Меҳнат кодексига мувофиқ, Ўзбекистонда чет эллик ишчилардан рухсатнома талаб қилинади. Шундан сўнг, улар қонунда белгиланган тартибда ишга қабул қилиниши мумкин.

“Job Offer” қоидалари – Европа Иттифоқида кўпроқ ишчиларнинг ишга жойлашиш мобайнидаги камситилишини олдини олишга қаратилган. Ўзбекистонда эса бу – ишга таклиф жараёнида келиб чиқадиган махсус тил ёки тажриба талабларини ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг меҳнат бозори кўпроқ ички бозорга йўналтирилган. Иш таклифлари Меҳнат кодекси билан тартибга солинади. Бироқ шунга қарамасдан халқаро миқёсдаги “Job Offer” билан боғлиқ масалалар ривожланиб бормоқда.

Иш таклифларини тартибга солиш ишчи ва иш берувчи муносабатларини сезиларли даражада ўзгартиради. Хусусан, бу жараёнда иш берувчи номзоднинг ногиронлиги тўғрисида фақат ишга таклиф қилинганидан кейин сўраш имконига эга. Ёки номзодни судланганлиги сабабли рад этиш ҳолатларига барҳам берилиши мумкин. Ушбу ҳолатда номзод ишга жойлашиш шартлари ҳақида кўпроқ маълумот олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу эса иш берувчи ва ишга кирувчи ўртасидаги шаффофликни таъминлаб, икки томон учун ҳам манфаатли бўлишига олиб келади. Қолаверса, ишга қабул қилиш жараёнидаги музокаралар яхши маош ва имтиёзлар “туғиб бериши” мумкин.

Масалан, ишга таклиф эълонларида иш берувчи томонидан маош миқдори маълум қилинса, ишга кирувчи ўз касби доирасида бошқа жойларда тўланадиган иш ҳақлари билан солиштириш имконига эга бўлади. Бундан ташқари, номзод бу жараёнда иш давомийлиги ва турли истисноларга эга бўлади. Бундан ташқари, Меҳнат кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган барча ҳуқуқлар таъминланиши лозим. Иш жараёнида келиб чиқадиган низолар маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқариш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Масалан, агар фуқаро ноқулай меҳнат шароитида ишласа, унинг соғлиги маълум бир муддатда тиббий кўрикдан ўтказиб турилиши лозим. Агар иш жараёнида ходимнинг соғлигида муаммо вужудга келса, ташкилот шартномага кўра унинг соғлигини тиклаб бериши ёки етказилган зарар учун компенсация тўлаши лозим.

Агар иш берувчилар томонидан ишчилар билан келишув ўрнатилса, яъни иш вақтининг давомийлиги – вақтбай ёки ишбайлиги, иш ҳақининг миқдори, бериладиган ва белгиланган имтиёзлар, дам олиш кунлари, ишдан ташқари ишлар, буларнинг барчаси ҳар икки томон учун манфаатли бўлиши мумкин. Зеро, “Job Offer” қоидалари асосида меҳнат шартномаси тузиш, агар ходим доимий тарзда яхши иш муҳитида ишласа ва иш ҳақини етарли даражада олса, бу иккала томон учун ҳам фойдали бўлади. Иш берувчи малакали ишчига ва барқарор компанияга эга бўлади.

Албатта, замон билан ҳамнафас юксалишни истаган иш берувчи биринчи галда яхши кадрларни тарбиялайди, кўтаради ва йўлини очади.

Гулноза ШОДИЕВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

Чўлпон БИЛАН УЧРАШГАН БОБОМ

ОНА ТОМОНДАН БОБОМИЗ ҒУЛОМҚОДИР ОТА НОРХЎЖА ЭШОН ЎҒЛИ 1907 ЙИЛДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ КАМОЛОН МАВЗЕСИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР ВА ҚАРИЙБ БИР АСР ЯШАБ, 2006 ЙИЛДА ДУНЁДАН ЎТДИЛАР. УЛ ЗОТ БИЗ УЧУН РАМЗИЙ МАЪНОДА ТИРИК ТАРИХ ЭДИ, ДЕСАМ ЯНГЛИШМАЙМАН. НЕГАКИ, БИЗЛАР БУГУН АРХИВЛАРДАН ЎРГАНАЁТГАН ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРНИНГ ЖОНЛИ ГУВОҲИ ЭДИ. ЯЪНИ, ЧОР ҲУКУМАТИ ИСТИЛОСИНИ ҲАМ, ШЎРОЛАР ЗАМОНИ ВА НИҲОЯТ ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ҲАМ КЎРДИ. БУТУН УМРИНИ ИЛМ СОҲАСИ, АНИҚРОҒИ, ГЕОДЕЗИЯ ФАНИНИ ЎЛКАМИЗДА РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАБ, ТАЛАБАЛАРГА САБОҚ БЕРГАН. БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, УЛУҒ АЖДОДИМИЗ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ГЕОДЕЗИЯ БЎЙИЧА ҚОЛДИРГАН БОЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ЭТИШГА КАТТА ҲИССА ҚЎШДИ.

Суҳбатларимиз орасида бобом икки ёшида онасидан, тўққиз ёшида отасидан айрилгач, катта опаси ва диний маҳкамада хизмат қилган поччаси Муҳаммад домла оиласида вояга етганини, уларнинг кўмаги билан ўқиб, зиёли бўлганини сўзлаб берар эди.

Бобом раҳматлидан ўша даврларнинг даҳшатли воқеалари – очарчиликлар, қатағонлар, 1920, 1930 ва 1940 йилларнинг фожиали талотумлари ҳақида ғамгин хотираларни, айниқса, миллатимиз ойдинлари бўлмиш Абдулла Қодирий, Чўлпон, Хислат, Мунаввар қори кабилар билан кечган учрашув, мулоқотларини эшитганман.

Ўтган йили кичик тоғам, машҳур бастакор Надим Норхўжаев вафот этганидан сўнг уларникидан бобомнинг битта кундалиги топилди. Ўқиб кўрсам, жуда кўп эсдаликлар ёзилган экан. Ана шундай тарихий ёдномалардан бири бобомнинг Чўлпон билан боғлиқ хотиралари эди. Бугун ана шу унутилмас битиклардан айрим парчаларни “XXI asr” газетаси ўқувчилари эътиборига ҳавола қилмоққа жазм этдим.

***

...Чўлпон билан танишувимиз тасодиф бўлган. Ўшанда, яъни 1923-1924 йилларда мен Хадра билан Эски Жўва ўртасидаги театр қаршисидаги икки қаватли бинода жойлашган Алишер Навоий номли Таълим-тарбия техникумида ўқир эдим. Бу манзил, айтишларича, илгари Сайидкаримбой деган бойнинг катта ҳовлиси бўлган экан. Техникум мудири Туркияда таҳсил олган Эсон афанди эди. Унда Мунаввар қори, Шорасул Зуннун, Қаюм Рамазон каби зиёлилар дарс берар эди. Биз ўқувчилар зарур китобларни Эски Жўвадаги банк биноси ёнидаги кўримсиз иморатда қўним топган “Турон” кутубхонасидан олар эдик.

Бир куни кутубхонага борсам, пештахта олдида турган салобатли, ўқимишлилиги билиниб турган кўзойнакли кишига эътибор қилдим. Одоб билан салом бердим. Алик олди-да: “Йигитча, қаердансиз?” деб сўради. Мен исмимни айтиб, тошкентлик, техникум ўқувчиси эканимни билдирдим. “Жуда яхши, бу замонда ўқиш керак”, деб қўйди. Шу пайт кутубхоначи Абдулла Носиров ичкаридан каттакон, лекин юпқа бир китобни олиб чиқиб, у кишига берди. Китобни қўлига олиб варақлар экан, кўзим муқовага тушди: “Сарвати фунун”. Абдулла ака китобни расмийлаштириб, қўлларига тутқазди. Ҳаммамиз билан самимий хайрлашиб чиқиб кетди.

Мен Абдулла акадан унинг кимлигини сўрадим.

– Шоир Чўлпон, туркча “Сарвати фунун” журналини олди, бу кўп яхши нашр, – деди.

Излаб келган китобим билан бирга ана шу журналнинг бир сонини сўраб олдим. Кейин яна келиб, тўрт-бешта нашрини олиб, синчиклаб ўқиб чиққан эдим, туркчани анча-мунча тушунадиган бўлиб қолдим.

Орадан икки ҳафтача ўтди шекилли, Эски Жўвада яна Чўлпонни учратиб қолдим. Шоир мени таниди, ҳол-аҳвол сўраб, кутубхонага бориб турибсизми, деди. Ёнида бир гўзал рус аёли ҳам бор эди. Кейинроқ билдимки, у шоирнинг аёли экан. Кейинчалик ҳам шоир билан кўп марта учрашиб қолардик. У негадир “Ҳамза” театри ёнидан кўп ўтарди. Мен турк шеърияти вакиллари ҳақида сўрасам, аниқ, мушоҳадали жавоблар олар эдим. Қачон кўрса, “йигитча” деб мурожаат қилар эди. Нурли сиймоси ҳамон кўз олдимда.

1925 йилда ўқув даргоҳимиз қулайроқ бўлган, янги шаҳарнинг йирик кўчасидаги шинам бинога кўчди ва унга Наримонов номи берилди. Шу сабабми, Чўлпон билан тасодифий учрашувларимиз тўхтаб қолди. Янги бинода биз билан, кейинчалик адабиёт соҳасида танилган Ойбек, Миркарим Осим, Ҳомил Ёқубов ҳам ўқий бошлади. Техникумда “Бизнинг фикр” номли деворий газета ҳам чиқар эди. Унда катта ижодкорлар қатори баъзан менинг ҳам шеър ва мақолаларим чоп этиб турилар эди.

Тўғрисини айтишим керак, Чўлпон туфайли мен туркчани ўргандим, ҳам турк адабиётига, айниқса шеъриятига ошиқ бўлиб қолгандим. Абдулҳақ Ҳомид, Тофвиқ Фикрат, Ризо Товфиқ, Ўрхон Сайфи, Яҳё Камол ижодини ғоят севар эдим. Уларнинг айрим асарларини ёд ҳам олганман.

1927 йили ўқишни битиришимиз муносабати билан Бухорони зиёрат қилиш таклифи ўртага чиқди. Мен эса етимлигим, пулим йўқлиги сабабли боролмадим. Курсдошларим сафар чоғида Чўлпон билан учрашиб қолишибди. Ўшанда шоир уларга чоп этиш учун тайёрлаган “Толо йўлларида” деб номланган шеърий тўпламини кўрсатган экан. Адабиётни севгувчи дўстларим унинг розилигини олиб, айрим шеърларни кўчириб олганини айтиб, менга роса мақтанишди. Менга ҳам ёзиб олиш учун беришди. “Толо” нима экан деб ўйлаб юргандим, биладиганлар андижонликлар шевасида “дала”ни “толо” деб изоҳлашди. Вақти-вақти билан дафтаримдаги Чўлпоннинг ажиб сатрларини ўқиб турар эдим, ҳатто баъзилари ёд ҳам бўлиб кетган эди.

Орадан анча йиллар ўтгач, иттифоқо бир куни ёзувчи Шуҳрат билан танишиб, унга ушбу воқеаларни ва менда шоирнинг энг нодир шеърлари сақланаётганлигини айтдим. У беринг-чи, ўқиб кўрайин, дафтарингизни, албатта, қайтариб бераман, деди. Шу-шу шоирни қайтиб кўрмадим ва мен учун қадрдон бўлган шеърлардан ҳам айрилдим.

Ўша дафтаримдаги эсимда қолган баъзи шеърлардан мисол келтираман:

Кўнглимга ишонмайман,
У мени адаштирди.
Кўп довонлар ошдирди,
Қарши ҳам боролмайман.

Менга эгадир кўнглим,
Бошлаган йўли – йўлим.
Ҳаммаси ўшаники,
Бир синиқ шишаники.

Севгим сусаярмикан,
Ўти пасаярмикан,
Ёки илинчак кўнглим
Ёниб кексаярмикан.

Бу севгим чинга кетса,
Эркимни асир этса,
Оҳ, шуни тушунганда,
Эс фонари сўнганда:
Сердце разрывается!

***

Лола гулнинг доғидир ҳасрати дилдан кетмаган,
Ошён этиб ўзига бир нафас тарк этмаган.
Сенгина эй, лолагул, кўп асир этдинг мени,
Бир узиб сўлдирмасамми, ҳап қараб тургин сени.

***



Ҳар бир кўнгил ҳавосига берилган,
Ҳар бир бўрон борони(?)да бош яланг,
Ҳар бир бало ҳадафига кўндаланг,
Ҳар сар-сари севгисига сир берган –
Телба кўнглим, тентак кўнглим,
шўх кўнглим
Йўлларингда ҳазар ўлди ёш умрим.

***

Мен кўнглимни ирғитдим
Оёғингиз остига!
Қани ҳанжар чиқаринг
Мен адабсиз қасдига!

***

Бу эсдаликлардан турли хулосалар чиқариш мумкин. Масалан, Чўлпон Тошкентда яшаган йиллари Хадра – Эски Жўва атрофларидан ижарага бўлса керак, уй олган. Бу пайтда у йигирма олти – йигирма етти яшар йигит бўлган. Манбаларда ёзилганки, бу пайтда, у рус, турк ва форс тилларини мукаммал билган. Турк адабиётига, ул заминдаги сиёсий жараёнларга жуда қизиққан. “Сарвати фунун” (“Билимлар бойлиги”) журнали айни адабий жараёнларни ифодаловчи нашр бўлган. Бу журнал орқали барча янгиликлардан хабардор бўлиб турган. Чунончи, машҳур турк шоири Тофвиқ Фикрат қатор йилларда унга бош муҳаррир бўлган.

Тариҳдан ҳам маълум, Чўлпон дворянлар оиласига мансуб қизни севиб, унга уйланган. Бу ишқ йўлида шеърлар битган. Охирги сатри “Сердце разрывается” (“Юрагим парчаланади”) деб тугалланган шеър бунга далил. Бу эсдаликда келтирилган шеърлар “Толо йўлларида” номли тўплам ичида деб ёзилган бўлса-да, расман Чўлпоннинг бундай китоби чиқмаган. Бизга номаълум сабаб билан нашр этилмаган бўлса керак.

Лекин ўша давр ўзбек ёшларида шоир ижодига қизиқиш жуда кучли бўлгани аниқ. Бир шеърда, у ўзининг “тентак кўнглини” жиловлай ололмаётгани, шу сабаб ҳадафларга – ўқларга кўндаланг бўлаётгани, лекин кўнгил йўлидан, ёш умри хазон бўлса-да воз кечмаслигини айтади. Бошқа бир тўртлигида эса ўзининг шижоати ва жасурлигини ифода этади. “Кўнглимдаги бор ҳисларимни билдирдим, адабсиз бўлсам, ханжар чиқараверинг!”, дейди.

Бу эсдаликлар, бизнинг жадид бобокалонларимизнинг интилишлари, дунёқарашлари ва ҳаётларини қисман бўлса-да, аниқ ёритади деб ўйлайман.

Озод МЎМИНХЎЖА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

XXI asr

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА
Дилшод ШОУМАРОВ
Сирожиддин САЙИИД
Акшагул ТУЛЕГЕНОВА
Нодир ЖУМАЕВ
Шуҳрат АСЛОНОВ
Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@umail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1145
Адади: 4378
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 18:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Озод РАЖАБОВ